

# “Худудгазтаъминот” АЖ томонидан 2023 йил инвестиция дастури асосида бажарилган ишлар бўйича

## МАЪЛУМОТ

### Инвестиция лойиҳалари.

Инвестиция дастурларига киритилган **3 та** лойиҳа доирасида жамиятнинг ўз маблағлари, маҳаллий тирожат банклари ва хорижий кредитлар ҳисобидан **64,1 млн доллар (115 фоиз)** маблағ ўзлаштирилади. Хусусан:

**1.** “Табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш” лойиҳаси доирасида жами **27,5 млн доллар (106,6%)**.


-Лойиҳа доирасида электрон газ ҳисоблагич ускуналарни ҳамда табиий газ ҳисоби ва назоратининг автоматлаштирилган тизимини харид қилиш бўйича техник шарти асосида 2020 йил 17 февраль куни тендер эълон қилиниб, унинг натижаларига кўра, 2020 йилнинг 3 апрель куни тендер ғолиби деб **“ТЕХНОПАРК” МЧЖ аниқланди** ҳамда мазкур ишлаб чиқарувчи ва “Худудгазтаъминот” АЖ ўрталарида электрон газ ҳисоблагичларни ва автоматлаштирилган тизимини ектазиб бериш бўйича 2020 йил 23 апрель куни 1/2020/27-1-сон шартнома имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 сентябрдаги **“Табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш” лойиҳасини амалга оширишга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида**”ги ПҚ–4840-сон қарорига мувофиқ **3 546 148 та** электрон газ ҳисоблагичларни ўрнатиш ва тизимни тўлиқ ишга тушириш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 сентябрдаги ПҚ-4840-сон қарорига асосан **“Табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш”** лойиҳаси доирасида жалб этилган **564,1 млн доллар** инвестиция маблағлари ҳисобига республика бўйича **3 823 068 та** хонадонлар АСКУГ тизими билан қамраб олинди ва табиий газ аҳоли истеъмолчилари Италиянинг “Терранова” компанияси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган янги “АСКУГ” биллинг тизими ҳамда газ таъминоти корхоналарида “онлайн” режимда масофадан назорат қилиш ва тўловларни олдиндан амалга ошириш (“препай”) тизими йўлга қўйилди. Электрон газ ҳисоблагичларни ўрнатиш жараёнида жами **311 786 та** қўшимча истеъмолчилар аниқланди;

Бундан ташқари, тизим жорий этилган ҳудудларда истиқомат қилаётган фуқароларнинг **истеъмол маданиятини ошириш** орқали табиий газдан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиш йўлга қўйилди. Бунинг натижасида, узоқ вақт куз-қиш мавсумида табиий газ тақчиллиги кузатилган истеъмолчиларни барқарор табиий газ билан таъминлаш имконияти яратилиб, **фуқароларнинг ишончи ва розилигига эришилди.**

## Табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимининг ишлаш тамойили.



Электрон газ ҳисоблагичдаги қарздорлик учун истеъмолчини **24 соат** давомида газ таъминотидан вақтинчалик тўхтатиш бўйича ўрнатилган чекловлар қайта дастурланиб, чеклов фақат куннинг **соат 07:00 дан 13:00 гача** оралиғида амалга оширилиши йўлга қўйилди ва истеъмолчида қарздорликни куннинг иккинчи яримида тўлаш имкониятини яратилди.

Шунингдек, қарздорлик қоплангандан сўнг ЭГХУни тармоққа қайта улаш жараёнларини соддалаштириш мақсадида “Технопарк” МЧЖ билан биргаликда ЭГХУларнинг дастурий таъминотини оптималлаштириш чоралари кўрилди.

Истеъмолчиларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида, ҳисоблагични тармоққа қайта улаш жараёнини соддалаштирилиб, ҳисоблагичларнинг **8 та** функцияси **3 тага** оптималлаштирилди, шунингдек, лойиҳани амалга ошириш «логистика — ўрнатиш — сифат назорати — мониторинг» принципи асосида тизимли йўлга қўйилди.

Жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушаётган мурожаатларни ўз вақтида қабул қилиш ва муаммоларни тезкор бартараф этиш мақсадида, “Ҳудудгазтаъминот” АЖ қошида **1104 қисқа рақамли “Call center”**лар фаолияти йўлга қўйилди ҳамда истемолчиларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида, вилоят ҳудудларидан кўнғироқ амалга оширилган тақдирда тўғридан-тўғри ушбу ҳудудда ташкил этилган “Call center”га уланиш имкони яратилди.

Шу билан биргаликда, “**ақлли**” газ ҳисоблагичларнинг **қулайлиги, афзалликлари ва соҳага тадбиқ этилаётган инновацион технологиялар**, шунингдек, газ таъминоти учун ўз вақтида тўловларни амалга ошириш

тўғрисида махсус видеороликлар, тарғибот-ташвиқот материаллари тайёрланиб, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлари, хусусан, кўплаб фойдаланувчиларни қамраб олган Жамиятнинг “Facebook” ва “Telegram”, тармоқларидаги махсус гуруҳлар ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг **марказий телеканалларида** тарғибот ишлари олиб борилиб, “**Xalqaro Press Klub**” ва бошқа туркум кўрсатувлар мунтазам эфирга узатилмоқда.

**2.** ““Худудгазтаъминот” АЖ тизимидаги ўрта ва паст босимли газ тармоқларидан метан ташланмаларини қисқартириш” лойиҳаси бўйича “**Gas Green Asia**” LLC ва “**Eco Carbon Services**” МЧЖ компаниялари билан имзоланган инвестиция келишуви доирасида **4,0 млн доллар (133%)**.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4477-сон ва 2022 йил 28 декабрдаги ПҚ-459-сон қарорларига асосан, **газ тармоқларида метан ташланмаларини қисқартириш орқали иссиқхона газларининг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш ва “яшил иқтисодиёт”га ўтиш мақсадида, “GasGreen Asia” LLC (АҚШ) компанияси ва унинг Ўзбекистондаги вакили “EcoCarbon Services” МЧЖлар билан Тошкент шаҳри ва вилоятида инвестиция лойиҳасини пилот лойиҳаси сифатида амалга ошириш бўйича келишув имзоланди.**

*Маълумот учун. “GasGreen Asia” (АҚШ) LLS газ етказиб бериш тизимида, газ сизиб чиқиш ҳолатларини камайтириш ва углерод квоталар кредитлари билан шуғулланувчи компания ҳисобланади. Компания ушбу йўналишда Бирлашган миллатлар ташкилоти томонидан дунёнинг кўплаб мамлакатлари, жумладан Бангладеш, Колумбия, Ҳиндистон, Молдова, Украина, АҚШ давлатларида амалга оширилаётган йирик лойиҳаларда иштирок этмоқда.*

Келишув доирасида, бугунги кунда **5,2 минг дона** газ тақсимлаш пунктлари кўриқдан ўтказилиб, технологик жараёнлардаги йўқотишлар ҳажми **10,3 млн куб метрга** қисқартирилди ҳамда **4,0 млн доллар** тўғридан-тўғри **инвестиция ўзлаштириш** орқали **200 га** янги иш ўринлари яратилди ва **16 хил** турдаги халқаро стандартларга жавоб берувчи материал ва замонавий қурилмалар жалб қилинди.

Лойиҳани бутун республикага жорий этиш орқали келгуси **10 йил** давомида **35 млн доллар** (йилига ўртача **3,5 млн доллар**) тўғридан-тўғри хорижий инвестиция киритиш ҳамда лойиҳа тўлиқ амалга оширилгач, дастлабки мониторинг ишларини **6 ойдан сўнг**, кейинчалик эса ҳар йилда **1 мартаба** амалга ошириш режалаштирилган.

Ушбу лойиҳа доирасида атмосфера ташланмалари, **БМТ томонидан мақулланган** методология асосида ҳисоб-китоб қилиниб, кредит квоталари “**GasGreen Asia**” LLC (АҚШ) компанияси томонидан **VERRA** тизими (жаҳон мамлакатлари томонидан тан олинган)да **рўйхатга олинган**.

Эксперт ҳисоб-китобларига кўра, мазкур лойиҳа доирасида газ тақсимлаш тармоқларидаги технологик йўқотишлар ҳажмини **235 млн куб метрга** қисқартириш ҳамда йиллик **3,5 млн тонна CO<sub>2</sub>** эквивалент миқдорида атмосферага иссиқхона газлари ташланмасини камайтириш кўзда тутилган.

**3.** “2022-2024 йилларда газ таъминоти тизимини модернизация ва реконструкция қилиш” лойиҳаси доирасида жами **32,6 млн доллар (121%)**.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги ПҚ-307-сон ва Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 5 августдаги 430-сон қарорларига асосан, республика газ тақсимлаш тармоқларини ривожлантириш ва улардан фойдаланишда рақамли технологияларга асосланган замонавий қурилмалар ва жиҳозларни ўрнатиш мақсадида, “**2022-2024 йилларда газ таъминоти тизимини модернизация ва реконструкция қилиш**” инвестиция лойиҳаси доирасида қуйидагилар амалга оширилди:

- “Худудгазтаъминот” АЖ томонидан умумий қиймати **295,63 млн АҚШ долларга** тенг лойиҳанинг техник-иқтисодий асосланиши (ТИА) ишлаб чиқилиб, белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилди. Бунда, Тошкент шаҳар газ-транспорт тизими техник аудитдан ўтказилди;

*Маълумот учун. Тошкент шаҳридаги жами **123 дона** юқори босимли ва **2 962 дона** ўрта босимли газ тақсимлаш пунктлари техник аудитдан ўтказилди. Техник аудит хулосасига кўра **118 дона** юқори босимли ва **752 дона** ўрта босимли (30 йилдан ортиқ фойдаланилган) газ тақсимлаш пунктларини модернизация қилиш ва **6 дона** юқори босимли газ тақсимлаш пунктларини оптимизация қилиш тавсия этилди.*

- “Pietro Fiorentini S.p.A” (Италия) компанияси билан халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган **ускуна ва жиҳозларни харид қилиш бўйича шартнома** ҳамда уни молиялаштириш учун “SACE S.p.A” давлат экспорт-кредит агентлиги томонидан **210 млн АҚШ доллар** миқдорида кредит маблағлари ажратилиши тўғрисида меморандум имзоланди;

- истеъмолчиларга табиий газни етказиб беришда ҳудудлар кесимида табиий газнинг аниқ ҳисоб-китобини (балансини) юритиш мақсадида, республика туман ва шаҳарлари **1 026 тага** ажратилиб, чегара қувурларига **1 735 та** электрон ҳисоблагичлар ўрнатилди ҳамда “онлайн” мониторинг қилиш имконини берувчи автоматлаштирилган тизим ишга туширилди;

- **68,1 мингта (100 %)** газ тақсимлаш пунктлари, **84,3 мингта (100 %)** беркитувчи арматуралар, **7,7 мингта (100 %)** қудуқлар, **2,1 мингта (100 %)** электр ҳимоя қилиш қурилмалари, **397 та (100 %)** бино ва иншоотларнинг электрон топографик харита ва атрибутив маълумотлари тўлиқ шакллантирилиб, рақамлаштирилди;

- **ҳудудий газ таъминоти филиаллари эҳтиёжлари** учун **5 та** мобиль лабораториялар, **37 дона** ер ости газ қувурларининг техник ҳолатини ва газ

сизиб чиқишни аниқловчи ускуналар ҳамда **1 000 та** кўчма (портатив) газ анализаторлари харид қилинди.

**Лойиҳани молиялаштириш учун** “Худудгазтаъминот” АЖнинг **397 млрд сўм** (экв. **32,6 млн АҚШ доллар**) ўз маблағлари йўналтирилди.

**Маълумот учун.** Худудлардаги газ тармоқларини таъмирлаш ва янги қувурларни қуриш учун **279 млрд сўм**, йирик худудлар учун электрон ҳисоблагичларни харид қилиш ва ишга тушуришга **88 млрд сўм**, филиаллар моддий техник базасини кучайтириш учун **23,1 млрд сўм**, электрон топохарита ва атрибутив маълумотларни рақамлаштириш учун **4,7 млрд сўм** ҳамда ташкилий-техник тадбирлар учун **2,2 млрд сўм** йўналтирилган.